

ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАХКАМЛАШДА ШАРҚОНА МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ ВА АХАМИЯТИ

Султонова Лола Ботировна

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш. Ўзбекистон Республикаси

Болтаева Барнохон Хомиджоновна

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш. Ўзбекистон Республикаси

Аннотация: *Оила муқаддас даргоҳ, оиладаги урф одатлар ҳамда қадриятларимизни асраб авайлашни, уларни шарқона маданиятимиз асосида давом эттиришни талаба – ёшларда тарбиялаб бориш бугунги куннинг асосий масалалардан бири ҳисобланади.*

Калит сўзлар: *Оила, илмий, фалсафий, педагогик, этнопсихологик тавсифи мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ривожланиши.*

Жамият ҳаётининг ўзгариши, маълум жиҳатдан оилага, унинг аъзоларига боғлиқ бўлганлиги боис, бу муаммони ўрганиш ва таҳлил этиш долзарб жараён ҳисобланади. Ҳар бир миллат оила ва у билан боғлиқ жараёнга алоҳида эътибор қаратиб, оила ҳақидаги билимларни, тасаввурларни ва қадриятларни авлоддан авлодга етказиб келмоқдалар.

Халқимиз «бахт» тушунчасини талқин қилар экан, аввало, улар оилавий тотувлик, фарзандлар тарбияси, ота-она ва яқинларининг бирлигини тушунганлар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, дунё мамлакатлари ичида ўзбек оиласи аъзолари ўзини анча бахтли ҳисоблашаркан, уларнинг «бахтлилик индекси 62 %ни ташкил қилади». Демак, жамиятдаги ҳар қандай иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муаммолар шароитида ҳам маънавий-ахлоқий софлик, миллий-маданий қадриятлар устуворлик қилган оила ўз фарзандларини ҳам сабр, ҳам шукр, ҳам келажакка умид руҳи билан тарбиялайди. Маълумки, оила муқаддас даргоҳ, юксак маънавият ва маданият бешигидир. «Оила инсонларни бири-бирига яқинлаштирадиган, авлодларнинг узлуксизлигини таъминлайдиган, инсонларни тарбиялаб, уларда миллий урф-одатлар, қадриятлар ва инсоний фазилатларни шаклланишига замин яратадиган даргоҳдир».

Оила, ижтимоий институт сифатида унинг аъзолари ёши, касби, фарзандларнинг сони, никоҳ ёши, эр-хотинларнинг миллий мансублиги, ҳудудий жиҳатдан яшаш жойини инобатга олган ҳолда таснифланади ва ўрганилади. Кейинги йилларда кенг жамоатчилик ва олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келаётган масалалардан бири шахс ва оила, оилавий муносабатлар муаммосидир. Бу муаммони ўрганиш

бугунги кунда ўзининг тарихий, маданий, миллий ва умумбашарий қадриятларини тиклаётган Ўзбекистон давлати равнақи учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Шарқда қадим - қадимдан оила муқаддас ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир».

Инсон маънавиятини шакллантиришнинг энг мақбул маскани оиладир. Оила қайси миллатга мансуб бўлса, ўша халқнинг маънавиятини ўзида мужассамлаштириб, бир неча асрлик тарихга эга бўлган анъаналарни, маънавиятни авлоддан-авлодга етказди. Агарда шахснинг шаклланишида биологик, табиий ва маданий муҳит, ижтимоий тажриба, одамлар билан муносабат каби омиллар муҳим аҳамият касб этишини инобатга олсак, буларни барчаси оилада мужассамлашгандир. Зеро, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, эътиқоди, ҳаётий тамойиллари, идеаллари, қадриятлари, кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода, оила маънавият кўрғони ҳисобланиб, оила қайси миллатга тааллуқли бўлса, ўша миллатнинг маънавиятини ўзида акс эттиради. Шарқ оилаларида тарбияланган фарзандлар қатъиятли, матонатли, мақсадга интилувчан, масъулиятли ва ўзига нисбатан талабчанлиги, меҳнатсевар, дўстпарварлиги билан ажратиб туради. Уларга ҳиссиётларни бир маромда тутиш, мулоҳазалилик, содиқлик, турли қийинчиликларга чидамли бўлиш, хушчақчақлик, ҳар хил шароитларга тез мослашиш хусусиятлари хосдир. Айнан шу ўзига хосликлар мажмуаси этнопсихологик хусусиятлар сифатида эътироф этилиб, шарқ оилаларини бошқа миллатга мансуб оилалардан ажратиб туради.

“Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади”¹. Оила муҳитида ота ва онанинг фарзандларга ўрнак бўлиши, уларнинг фаолиятининг давомчилари бўлиши анъанаси мавжуд. Халқимиз «От ўрнини, той босар» деб бекорга айтмаган, чунки дастлабки иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик, диний, сиёсий, касбкорлик маданияти негизлари ота-оналар томонидан сингдирилади. Уларнинг яратган шарт-шароитлари, имкониятлари, талаблари асосида фарзанд ўз келажаги учун стратегик аҳамиятга эга режаларни

тузади, уларни амалга оширади. Фарзанд характеридаги қатъийлик, сабр-тоқатлилик, яратувчанлик, интилувчанлик, бошқарувчилик фазилатлари шакллантирилади.

Шу сабабли ҳам ўзбекларда шахснинг хулқ атвори ижтимоий назорат остига олинади. Яхши хулқ маҳаллада, қўни-қўшнилар томонидан рағбатлантирилиб «Отасига раҳмат», ёмон хулқ эса танқидий муҳокама қилиниб, «Падарига лаънат» шаклида ифодаланиши мумкин.

Шунинг учун «Одамлар нима дейди?» қабилидаги савол шахсни кўп ҳолларда ноҳўя хатти- ҳаракатлар, ёмон хулқ-атвордан сақлайди. Ғарб оилаларида ҳам ижтимоий назорат мавжуд, бироқ унинг таъсир кучи ўта заифдир.

Халқимиз «Болага етти қўшни ота-она» нақлида бола тарбияси учун барча масъуллигини чуқур ифодалаб берган. Ғарб оилаларида эса бола тарбияси учун фақат ота-она жавоб беради. Яъни, қўни-қўшнилар болага ақл ўргатиш, тўғри йўлга солиш, зарур бўлганда қойишдан ўзини сақлайди, унинг тарбиясига аралашмайди.

Хуллас, шахснинг шаклланишида, шахс маънавиятининг таркиб топиши ва ривожланишида оиланинг ўрни, аҳамиятини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Оила билан боғлиқ масалалар оилавий ҳаёт психологиясининг асосий муаммоларидандир. Жамиятнинг алоҳида мустақил гуруҳи, муайян институт ҳисобланган оила, айни замонда жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Бошқача айтганда, оиланинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, мазмуни, оилавий муносабатларнинг ўзига хослиги мавжуд ижтимоий тузумдаги мафкуравий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-тарихий, маданий шарт-шароитлар билан ҳам белгиланади.

Демак, Баркамол авлодни маънавий ва маданий юксалишида –мустаҳкам ва барқарор оила зарур. Чунки жамиятнинг ёмонлик ва бузғунчиликнинг барча турларидан холи бўлиши, аввало оиланинг тинчлиги, тотувлиги, аҳиллигига боғлиқ. Оиладаги тинчлик, хотиржамлик ва саодатни таъминлаш, оиланинг ҳар бир аъзосини ўз масъулиятини тўлиқ ҳис қилиши ва бажариши билан барқарор ва мустаҳкам бўлади. Бундай масъулиятни эса, эр ва хотин ўртасини боғлаб турувчи никоҳгина мустаҳкамлаши ва жорий этиши мумкин. Ҳадисларда келтирилганидек, «Сизларнинг энг яхшиларингиз аҳли аёлига яхши муомалада бўлганларингиздир», «Ҳар бирингиз бошлиқсиз ва ҳар бирингиз қўл остингиздагиларга масъулдирсиз», «Яхшилик қилиш, меҳршафқат ва меҳрибонликни оилангиздан бошланг».

Ўзбек оиласининг ташқаридан сезилмайдиган ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий мезонлари борки, бунда урф-одатлар ва анъаналар алоҳида ўрин тутди. Жумладан, “урф-одатлар ва анъаналар – тарихан шаклланган ва авлоддан-авлодга

ўтиб борадиган, кўпчилик томонидан қабул қилинган ва доимо такрорланиб турадиган ҳатти-ҳаракат, ҳулқ-атвор нормалари ва кўникмаларидир”

Марказий Осиё халқларининг оила хусусидаги қарашлари, фикр-мулоҳазалари Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Амир Темур, Алишер Навоий сингари мутафаккирларнинг асарларида ўз аксини топган. Миллий психология тарихида ҳудудимиздаги ижтимоий-психологик фикрлар тараққиётида ўтмиш мутафаккирларимизнинг маданий-маърифий қарашлари муҳим ўрин тутди.

Юқоридагиларга асосан, оила муқаддаслиги, оила эр-хотин ўртасидаги муносабатлар, ота-она ва болалар ўртасидаги шахсийномулкий ва мулкый муносабатларни тартибга солишда уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида оила маркази ходимлари томонидан манзилли ва предметли тарғибот тадбирларини кучайтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Рўзиева Н. Ёшлар тарбиясида ўзбек оилалари урф-одатларининг ўрни // “Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, валеологик, акмеологик ва иқтисодий масалалари” Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2010. -Б. 318.
2.Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: Расмий нашр - - Тошкент.: “Адолат”, 2021. –Б. 10.

3.Давлетшин М.Г., Шоумаров Ғ.Б. Замонавий ўзбек оиласи ва унинг психологик хусусиятлари // Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани маърузалари қисқача баёни. – Тошкент, 1993. – Б. 3 – 7.